



Куръон тиловат қилиш, уни ёдлашдан асл мақсад тадаббур, яъни тафаккур қилиш воситасида ту-шу-ниш-дир. Шунинг учун ҳам тафаккур эт-иш суннат ҳисобланди. Колаверса, тиловатда зохи-рий тартил бўлиб, бу ботин билан тадаббур қилиш учундир. Аллох таоло тафаккур қилувчиларни мадх этиб, бундай марҳамат қилади:

«يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُرِئَ الْقُرْآنُ فَاسْتَمِعُوا لَهُ وَأَنْصِتُوا لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ»  
«يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُرِئَ الْقُرْآنُ فَاسْتَمِعُوا لَهُ وَأَنْصِتُوا لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ»  
«يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُرِئَ الْقُرْآنُ فَاسْتَمِعُوا لَهُ وَأَنْصِتُوا لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ»

**«Аллохни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган холларида эслайдиган, осмонлару Ернинг яратилишини тафаккур қиладиганлар: «Роббимиз, буни бекорга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни ўт азобидан саклагин», дерлар»**  
(Оли Имрон сураси, 91-оят).

Аллохнинг биру борлиги ҳамда чексиз кудрати ва бошка комил сифатларини тўла англаб етиш учун ибодат ва тафаккур лозим экан. Бири бўлиб, иккинчиси бўлмаса ҳам иш битмас экан. Аллохни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган холларда эслаш даражаси улуг даража бўлиб, инсон ибодатда олий макомга эришгандагина ушбу даражага кўтарилади. Шундай даражада тафаккур қилган одам калби соф холга келади ва дуо қилса, ижобат бўладиган макомга етади.

Али розияллоху анху айтдилар: «Фикх (тушуниш) бўлмаган ибодатда ва тадаббур бўлмаган кироатда яхшилик йўқдир». Бу борада сахобийлардан ўртак олишимиз даркор.

Улар Куръондан бирор сура ёки оятнинг маъносини яхши тушунишмаса, дарров бир-бирларидан сўраб билиб олар эдилар. Куръон таълими устозларидан бўлган

Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху одамларни ҳар бир сурани диққат-эътибор билан ўрганишга кизиктирар эдилар. У зот розияллоху анху Куръонни ўрганаётган кишилар ёнидан ўтар эканлар:

«

Кайси сурани ёд олдинг, эй фалончи?

»

деб сўрар-ди-лар. У одам сураинг кайси оятини ёд олганини айтар эди.

Шунда Ибн Масъуд розияллоху анху унга кейинги оятни тиловат қилиб: «Бу оятни ўрган. Чунки у осмону Ердаги нарсалардан яхшироқдир

»

, деб айтардилар. Халиги киши ўша оятга назар соларкан, гўё унга Куръонда бундан яхшироқ оят йўқдек туюларди. Кейин Ибн Масъуд розияллоху анху бошқа кишининг ёнига ўтиб, унга ҳам шу каби гапларни айтар эдилар. То ҳаммасининг ёнидан ўтиб бўлгунича, бу ҳол давом этарди.

Куръонни тушуниш,

асосан, тафсир илми китобларини мутолаа қилиш орқали ҳосил бўлади.

Бу борада педагог ва психолог олимларнинг олиб борган тадқиқотларига кўра маълумот хотирада чуқур ўрнашиши учун уни диққат билан ўқиб-ўрганиб, асл моҳиятини тушунишга ҳаракат қилиш талаб этилади. Шунга кўра:

— мўлжалланган аклий ишга қандай ҳозирлик қўрилган бўлса, шунга мос тарзда мавзунини эсда қолиш фоизи ортиб боради;

— берилган мавзу қанчалик чуқур англаб етилса, у шунчалик хотирада сақланган бўлади;

— маълум мавзу юзасидан билимлар канчалик кўп бўлса, янгисини эсда саклаб қолиш шунчалик осон бўлади;

— эслаб қолинадиган нарса тўғрисида таассурот канчалик кучли бўлса, унга алоқадор образ ҳам шунчалик эркин бўлади.

Куръони Каримни бир денгизга киёсласак, ёд олиш унинг то бошидан охиригача хоҳлаган тарафига хоҳлаганича сузиш жараёни бўлса, Куръонни тушуниб, тадаббур қилиш эса нафакат сузиш, балки денгиз тубидаги дуру гавхарлар сохибига айланиш билан баробардир.

Демак, Имом Газзолий таъкидлаганларидек: «Худди Мусхафнинг муковасини хар кандай қўл ушлайвериши мумкин бўлмагани каби, хар кандай тил унинг харфларини тиловат қилишга, хар кандай қалб эса унинг маъноларига етмоққа лойик эмас  
»

Бундан келиб чиқадики, Куръони Каримнинг тиловати билан бир каторда уни тадаббур қилиш муҳим аҳамиятга эга. Уни тушуниш учун эса қалбни турли иллатлардан халос этиш, жисм ва ички оламни нопоклик ва ёмонликлардан поклаш лозим бўлади. Ана шундагина қалбимиз Куръон ила халоват олади!

**Гулобод КУРБОНОВА**

